



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » iyun

№ 326

Toshkent sh.

Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, унда фуқаролар иштироки ролини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги ПФ–6300-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

“Давлат аудити” дастурига фуқаролар томонидан танланиши мумкин бўлган назорат объектлари рўйхатини киритиш;

фуқаролар томонидан энг кўп мартаба танланган назорат объектларида назорат тадбирини ўтказиш тартиб-таомиллари;

давлат молиявий назорати органи ва ички аудит хизматлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаш тартиби.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорат инспекцияси ҳамда вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари назорат ишларининг йиллик режасини февраль ойнинг 10 санасидан кечиктирмай, шунингдек, фуқаролар иштирокидаги аудит бўйича ўтказилган назорат тадбирининг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай “Давлат аудити” дастурида жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2023 йил давомида иқтисодиёт ва молия йўналишидаги олий таълим муассасаларида вазирлик ва идораларда ички аудит хизматларини ривожлантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари юзасидан амалий семинарлар ўтказиш графигини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “10” _____ июндаги 326 -сон қарорига
илова

**Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш
ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини
жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ҳамда давлат молиявий назорати органи ва вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ҳамда вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари), барча бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар учун татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“Давлат аудити” дастури – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплекси;

ваколатли тузилма – Инспекция ҳамда ички аудит хизматлари;

назорат объекти – бюджет ташкилоти, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар;

назорат тадбирлари – ички аудит хизматлари томонидан ўтказиладиган аудит тадбирлари ҳамда Инспекция томонидан ўтказиладиган қонунчиликда белгиланган молиявий назорат шакллари;

фуқаролар иштирокидаги аудит тизими – фуқаролар томонидан танланган назорат объектларини саралаш, уларда назорат тадбирларини ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиб бориш жараёни.

**2-боб. Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган
объектни аниқлаш тартиби**

4. Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган назорат объектини аниқлаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

5. Назорат объектини аниқлашда иштирок этиш учун фуқаролар “Давлат аудити” дастурида рўйхатдан ўтадилар.

6. Фуқароларни “Давлат аудити” дастурида аутентификациялаш электрон рақамли имзо воситалари, мобил телефон рақамлари, шахсларнинг биометрик маълумотлари, Мобил-ID, Face-ID шунингдек бошқа усуллар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Фуқаролар томонидан танланиши мумкин бўлган назорат объектлари рўйхати ваколатли тузилмалар томонидан ҳар чорак биринчи ойнинг 1 санасига қадар жорий йил учун тасдиқланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари сифатида белгиланган вазирлик ва идоралар кесимида шакллантирилади ҳамда “Давлат аудити” дастурига киритилади.

Бунда, ички аудит хизматлари мавжуд бўлмаган вазирлик ва идоралар бўйича назорат объектлари рўйхати Инспекция томонидан киритилади.

8. Фуқаролар томонидан танланиши мумкин бўлган назорат объектлари рўйхатига қуйидагилар киритилмайди:

ваколатли тузилмаларнинг йиллик режасига киритилган назорат объектлари;

фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқарувида алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари сифатида эътироф этилган идоралар ҳамда улар тизимидаги назорат объектлари;

охирги икки йил мобайнида фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали танланган ва назорат тадбирлари ўтказилган назорат объектлари;

молиялаштириш давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир сифатида эътироф этилган вазирлик ва идоралар ҳамда улар тизимидаги назорат объектлари.

Бунда, фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқарувида алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган идоралар рўйхати Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. “Давлат аудити” дастурига киритилган рўйхат таркибидан назорат объекти фуқаролар томонидан назорат тадбирини ўтказиш зарурлигининг сабаби келтирилган ҳолда танланади.

Бунда, фуқаролар томонидан календарь йил давомида бир назорат объектини бир марта танлаш амалга оширилади.

10. Фуқаролар томонидан назорат объектини танлаш “Давлат аудити” дастурида ҳар чорак биринчи ойнинг 10 санасига қадар амалга оширилади.

11. Фуқаролар томонидан танланган назорат объектлари рўйхати ва улардаги танлашлар сони “Давлат аудити” дастурида автоматик тарзда шакллантирилади.

12. Назорат тадбирлари ўтказиладиган назорат объектлари рўйхати ва назорат тадбирлари ўтказиш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар “Давлат аудити” дастурида ҳар чорак биринчи ойнинг 15 санасига қадар эълон қилинади.

13. Ҳар чорак охири ойнинг 20 санасига қадар фуқаролар томонидан танлашлар сони 10 тадан ортиқ бўлган назорат объектлари таркибидан энг кўп марта танланган учтасида назорат тадбири ўтказилади.

Бунда, назорат тадбирлари ўтказилган объектлар икки календарь йил давомида фуқаролар томонидан танланиши мумкин бўлган назорат объектлари рўйхатига қайта киритилмайди.

14. Назорат тадбирлари тегишли ваколатли тузилмалар томонидан ўтказилади.

Бунда, ички аудит хизматлари мавжуд бўлмаган вазирлик ва идоралар бўйича назорат тадбирлари Инспекция томонидан ўтказилади.

15. Танлов натижаларига кўра рўйхатдаги 10 тадан кўп танланган назорат объекти сони фақат битта бўлган ҳолларда, ушбу назорат объектида назорат тадбири ўтказилади.

16. Танлашлар сони бўйича учта энг кўп танланган назорат объектлари таркибига кирмаган назорат объектлари календарь йили давомида кейинги чоракка ўтказилади ҳамда натижалари сақлаб қолинган ҳолда танлашга қайта қўйилади.

17. Назорат тадбирлари яқунлангандан сўнг 5 иш куни ичида назорат тадбирлари натижалари тўғрисидаги маълумот “Давлат аудити” дастурида эълон қилинади.

3-боб. Ваколатли тузилмалар фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаш тартиби

18. Ваколатли тузилмалар фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаш (кейинги ўринларда – баҳолаш) “Давлат аудити” дастури орқали ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

19. Баҳолаш мазкур Низомнинг 2-бобида кўрсатилган тартибга мувофиқ аниқланган назорат объектларида ўтказилган назорат тадбирлари натижалари тўғрисидаги эълон қилинган маълумот асосида фуқаролар томонидан баҳолаш орқали амалга оширилади.

20. Баҳолаш учун фуқароларни “Давлат аудити” дастурида аутентификациялаш электрон рақамли имзо воситалари, мобил телефон рақамлари, шахсларнинг биометрик маълумотлари, Мобил-ID, Face-ID шунингдек бошқа усуллар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Баҳолаш ваколатли тузилмалар томонидан эълон қилинган назорат тадбирлари натижалари тўғрисидаги маълумот асосида назорат тадбири ўтказилган чоракдан кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар “Давлат аудити” дастурида амалга оширилади.

22. Баҳолаш ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган маълумотга 1 дан 5 гача (1 энг паст ва 5 энг юқори балл) бутун сонлардаги шкала асосида баҳо бериш орқали амалга оширилади.

23. Баҳолаш натижаларининг ўртача баҳоси “Давлат аудити” дастурида автоматик тарзда алоҳида саҳифада яхлитлаш орқали акс эттириб борилади.

24. Баҳолаш натижаларига назорат тадбирларини ўтказган ваколатли тузилмаларнинг ходимлари натижаси сифатида қаралади.

Бунда, 10 нафардан кам фуқаролар томонидан баҳоланган назорат тадбирлари баҳолаш натижаларининг ўртача баҳосини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

25. Баҳолаш натижаларининг ўртача баҳосидан келиб чиқиб ваколатли тузилмалар ходимларининг натижалари қуйидагича белгиланади:

5 балл бўлган ходим – “намунали”;

4 балл бўлган ходим – “яхши”;

3 балл бўлган ходим – “қониқарли”;

3 баллгача бўлган ходим – “қониқарсиз”.

26. Баҳолаш натижаларининг рейтинги бўйича:

“намунали” деб топилган ходимга – лавозим маошининг 25 фоизи;

“яхши” деб топилган ходимга – лавозим маошининг 15 фоизи;

“қониқарли” деб топилган ходимга – лавозим маошининг 5 фоизи миқдорида пул мукофоти бериш орқали рағбатлантириш амалга оширилади.

Бунда, ходимларга пул мукофоти бериш бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

27. Баҳолаш натижаларига кўра натижаси “қониқарсиз” деб топилган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган кўринишда чоралар қўлланилади.

28. Рағбатлантириш ва чора кўриш масаласи белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Инспекция ҳамда ички аудит хизматлари	Фуқаролар томонидан танланиши мумкин бўлган назорат объектлари рўйхатини “Давлат аудити” дастурига киритиш.	Ҳар чорак биринчи ойининг 1 санасига қадар
2-босқич	Фуқаролар	1. “Давлат аудити” дастурида аутентификациядан ўтиш. 2. “Давлат аудити” дастурига киритилган рўйхатдаги назорат объектларини танлаш.	1. Заруратга кўра 2. Ҳар чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар
3-босқич	“Давлат аудити” дастури*	“Давлат аудити” дастури орқали автоматик тарзда фуқаролар томонидан танланган назорат объектлари рўйхати ва улардаги танлашлар сонини шакллантириш.	Ҳар чорак биринчи ойининг 10 санаси (автоматик тарзда)
4-босқич	Инспекция ҳамда ички аудит хизматлари	Назорат тадбирлари ўтказиладиган назорат объектлари рўйхати ва назорат тадбирлари ўтказиш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни “Давлат аудити” дастурида эълон қилиш.	Ҳар чорак биринчи ойининг 15 санаси
5-босқич	Инспекция ҳамда ички аудит хизматлари	1. “Давлат аудити” дастурида шакллантирилган рўйхатдаги энг кўп марта танланган назорат объектларининг учтасида назорат тадбирини ўтказиш. 2. Назорат тадбирлари яқунлангандан сўнг уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни “Давлат аудити” дастурида эълон қилиб бориш.	1. Ҳар чорак охириги ойининг 20 санасига қадар 2. Назорат тадбирлари яқунлангандан сўнг 5 иш куни ичида

* Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплекси.

Фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган
объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати
органлари фаолияти самарадорлигини
жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ваколатли тузилмалар фаолияти самарадорлигини жамоатчилик
томонидан баҳолаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Фуқаролар	1. “Давлат аудити” дастурида аутентификациядан ўтиш. 2. Ваколатли тузилмалар фаолияти самарадорлигини назорат тадбирлари натижалари тўғрисидаги маълумотлар асосида “Давлат аудити” дастурида баҳолаш.	1. Заруратга кўра 2. Кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар
2-босқич	“Давлат аудити” дастури*	Ваколатли тузилмалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларининг ўртача баҳосини алоҳида саҳифада яхлитлаш орқали акс эттириб бориш.	Кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасида (автоматик тарзда)

* Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплекси.

